Кўп мазийлик одам эдим. Қизларининг маконати сабабли (куёвлари бўлганим сабаб) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан у ҳақида сўрашга уялар эдим. Бас, Миқдод ибн Асвадга буюрдим. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради. Шунда: «Закарини ювади ва таҳорат қилади

Али разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Кўп мазийлик одам эдим. Қизларининг маконати сабабли (куёвлари бўлганим сабаб) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан у ҳақида сўрашга уялар эдим. Бас, Миқдод ибн Асвадга буюрдим. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради. Шунда: «Закарини ювади ва таҳорат қилади», –дедилар». Бухорий ривоятида: «Таҳорат олиб, закарингни юв!», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу кўп мазий чиқадиган киши эканларини хабар бердилар. Мазий - шаҳват келганда ва жимодан олдин чиқадиган оқ, шилимшиқ суюқлик. Чиқса нима қилишни билмас эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашга уялдилар, чунки у киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотиманинг турмуш ўртоғи эдилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашни Миқдод ибн Асваддан талаб қилдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Закарини ювади, сўнгра тахорат олади», – деб жавоб қилдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3348